



1993 йил 14 сентябрь

СЕШАНБА

№ 106 (5.547).

СОТЎБДА ЭРИКИ НАРХИДА

Ўзбекистон Республикаси

ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

АССАЛОМ, ОҚ ОЛТИН МАВСУМИ!

Ўтган шабба кунин Бешкент пахта тозалаш заводи кишилар билан гавжум бўлди. Бу ерга пахта карвонлари кела бошлади. Шу муносабат билан бўлиб ўтган йилнинг Қарши райони ҳокими Раҳматжон Жалилов тўпланганларини мавсумнинг бошланиши билан қизгин табриклиди. Мусиқа садолари остида завод дарвозаси олдидаги рангли лента кесилди. Биринчи бўлиб «Москва» давлат хўжалиги тракторчиси Исроил Ашуров бошқарган тележаз дарвозадан кирди. У хўжалиқдаги Қарим Маматов бошлиқ бригаданинг оқ олтинини олиб келганди. Шундан сўнг Собир Раҳимов номли давлат хўжалигидан ҳам пахта топширилди. Айтишга қўра, биринчи бўлиб ҳосилни олиб келган тракторчиларга тўн, дўпни кийдирилди ва белбоғ боғланди.

Жорий йилда район заршунослари 16.800 гектар майдонда гўза ўстириб, давлатга 42 минг тонна юқори сифатли оқ олтин етказиб беришга аҳд қилинган. Ҳосилнинг 27 минг тоннаси машиналар билан саранжомлаб олинади. Бунинг учун 350 дан зиёд зангори кема сифатли таъмирдан чиқарилиб, тайёргарлик чизигига келтирилмоқда. Район ҳокими хўжалик ҳисоблари бўлими раиси Ш. Султонов, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Заводдаги тантаналар тўйга уланиб кетди. Шу кунни қорхона ишга туширилганлигининг 15 йиллиги билан бирга уч нафар ишчининг фарзандларига сунат тўйлари ўтказилди. Бир неча йил

сидқидилдан меҳнат қилган ишчилар Ором Бозоров, Ўрин Панжисев, Некбой Эргашевлар тантанали равишда нафақага узатилди. Уларга тўн ва дўпни кийдирилиб, белларига белбоғ ўралди.

Завод ташкил этилган 1978 йилда 3,5 минг тонна оқ олтин қабул қилган бўлса, ўтган йили 28 минг тоннага етди, бир неча хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Қорхона шу кунгача 270 минг тонна ҳам ашёни қайта ишлаб, 82 минг тонна тола ишлаб чиқарди. Ҳозирги кунда унинг ярим тайёр маҳсулотлари Индонезия, Корея, Англия, Италия, Туркия, Япония ва АҚШ сингари мамлакатларга сотилди.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қармасдан ишчиларга шарт-шаронг яратиш, маданий-مائий биноялар қуриш жамоада давом этмоқда. Ердагичи хўжалик, иссиқхона мавжуд. Етиштирилаётган маҳсулотлар меҳнаткашлар дастурхонини беэмоқда. Ҳаммом, чойхона, ошхона қурилиб, ишга туширилди.

Тантаналарда пахтакорлар, меҳнат фажрийлари, хўжалик раҳбарлари, қишлоқ Кенгашлари раислари иштирок этишди. Ингилганларини вилоят пахта илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Хўжам Қодиров янги мавсумнинг бошланиши билан самимий табриклиди.

Ш. СУЛТОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: оқ олтин карвони.
Муаллиф олган сурат.



Ангор районидан «Новшаҳар» жамоа хўжалиги деҳқонлари 809 гектар майдондан режадаги 2650 тонна ўрнига 3,1 минг тонна «Термиз-24» навли ипак пахта йиғиштириб олишга аҳд қилинган. Динқатга сазовор томон шунданки, ҳосилнинг ҳаммаси уруғлик хом ашё бўлади.

Новшаҳарликлар ҳар йили ҳам пахта теримига вилоятда биринчилар қаторида киришиб, мавсум охиригача суръатини бушаптирмайдилар. Ўтган йили ҳам гектардан 39 центнердан хирмон кўтаришган эди. Жорий йилда иккундан анъана давом этаётган. Теримчилар август ойининг охиригача енг шимаришиб ишга тушилди. Тўғрида, ҳосил илбиш кўскалар қийос очилгач, оппоқ пахтанинг ер билан битта бўлишини кутиш шартми? Ҳар йили мавсумда 10 тоннагача пахта тарафган Хадича Маратова каби теримчилар дўпни-дўпни пахтачи қўриб, уйларида хонжам ўтиришарми?

МУКОФОТ МУБОРАК!

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИДАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ОЛИНДИ

Теримга бир кун бўлса-да, барвақт киришган бригадалар аъзоларининг дастлабки ўн кунлик якунидаёқ қўллари банд келди. Қандайдир Аллоқулов бошлиқ бригада деҳқонлари ўн кунда йиллик режанинг 17,5 фоизи миқдорида уруғлик пахта тайёрладилар. Ҳалиларга ҳар гектар ҳисобидан 500 сўмдан пул мукофоти берилди. 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,6 ўрнига 40 центнердан хирмон кўтаришга бел боғланганлар биринчи ўн кунликда 20 минг сўм пул мукофоти сазовор бўлиди. Мукофот пулига бозордан қўй харид қилишиб, дала шийонида иссиқ оқат тайёрлашга қарор қилинган. Ўн кунлик якунида иккинчи ўринни эгаллаган Қўрбон Қилчев бошлиқ

бригада деҳқонлари ҳам кам бўлмадилар. Улар 16,8 фоиз миқдорида пахта тайёрлашиб, 32 минг сўм мукофот олдилар. Хўжалиқда ҳозир пахта теримига минг киши жалб этилган. Шанба-якшанба кунлари уларнинг сафи яна 200—300 кишига қўпаймоқда. Теримчиларга бир килограмм пахта учун 25 сўмдан ҳақ тўланиши. Мавсум якунида давлатга топширилган уруғлик пахтадан тушадиган қўшимча даромад деҳқонларга тақсимланди. Хўжалик раҳбарлиги теримчиларга барча қўлайликларни яратиб берган. Дала шийонлари таъмирланиб, мавсумий боғчалар боғчалари фаолият кўрсатмоқда. Боғчаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни

хўжалик ўз зиммасига олди. Деҳқонлар шу кеча-кундузда уруғлик пахтанинг сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар. Юқори сифатли элита уруғи олинадиган хом ашё махсус қанорларга жойланмоқда. — Биринчи йил барча майдонда «Термиз-24» навли ипак пахта етиштирилмиш, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Эшнўлат Маратов. — Бу нав сарҳосил, «Термиз-16» навида нисбатан бир ҳафта эрта пишди. Ҳосилдорлиги ҳам 3—4 центнер юқори. Лекин янги нав деҳқондан алоҳида эътибор талаб этади. Сувга, ўғитга талабчан. Гектаридан 40 центнердан хирмон кўтараман деган деҳқонларимиз ўзани 5—6 мартагача суғориши. Янги навнинг кўрат

ли томонларидан яна бири — иккинчи тип тола беради. Харидорлар. Ҳозир бир тонна пахта 171 минг сўмдан сотилиши. Ёки «Термиз-14»нинг баҳосига нисбатан 13 минг сўм юқоридир. Биз бунинг пахта теримига иштирок этаётган ҳар бир кишига тушутираймиз.

Ташвиқот ишлари зое кетмайпти. Хўжалиқда терим суръати кун сайин ошмоқда. Бир кунда 100 килограммдан пахта тарафган теримчи 500 сўм даромад қилади. Ҳар йили мавсумда 10 тоннагача пахта тарафган Хадича Маратова ҳозиргача хирмонга 2 тоннадан зиёд оқ олтин тўкди. «Новшаҳар» жамоа хўжалигида ҳар бир бригаданинг бу илгор теримчи сингари меҳнат қилаётганлар талайгина. Хадича Турдиева, Жамилла Шайдинова, Холтожи Ёмгировларнинг ҳар бири 100—120 килограммдан дурдона териб, хирмонга барона киритишляпти.

Бахтиёр КЕНЖАБОВ.

МИРИШКОРЛАР АХДИ

Фаргона туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида кейинги йилларда ҳосилдорлик даражаси кўпчилиги нисбатан кўпайиб кетган. Ўтган йили пахта тайёрлаш режаси 85 фоиз адо этилди, холос. Ҳўш, бунга сабаб нима? Сабаблар тизим, умуман, пахта тизим, уларни талбирлар билан ҳал этиш зарур эди. Дастлабки хўжалик бошқарувининг раиси қайта сайланди. Жамоага

раҳбар бўлиб, ишнинг кўзини билдирган, халқнинг дарду қувончини тушуналган, тадбиркорлардан бири — Умарали Букоров келди. Яхши раҳбар — элнинг бахти. Хўжалиқда муаммолар бирин-кетин ҳал этилишига кўпайиб кетди. Жамоа аъзолари бир ёқдан бош чиқариб, иқтисодий юксалиш томон қадам қўйишди.

Миршкорлар сафи кенгайди. Орифжон Мамазокси

ров асли техника билан тиллашлов ваъта етган инсон. У кўп йиллар трактор ва машина рулини бошқариб, элнинг хурматини қозонди. Етти йиллар, бригадига саркар. Қир ён бағрида жойлашган Арча қишлоғи аҳолиси ундан хурсанд. Қалри банд кишининг аса иши доим серумум, баракали. Шу боис ҳам у етакчилик қилаётган жамоа ҳар йили пахта ва пилла тайёрлаш режасини ошган билан бажариб келмоқда. Бурунги йили меҳнати муносиб тақдирланди: унга «Ингул» энгил автомашинаси берилди.

Ўтган йили пилладан ҳам, пахтадан ҳам юқори ҳосил

олишга эришган бригада жамоаси жорий йилда янада задоволарча меҳнат қилмоқда. «Кумуш тола»дан катта хирмон кўтарилиб, 12 гектар ерда макжазхўри парваришланиб, гектаридан 55 центнердан сара дон йиғиб олинди. Бу майдонларда кўзгача яна бир марта ҳосил олинди. Бригада пахтакорлар 38,5 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Режадаги 30 центнер ўрнига ҳосилдорлиги 40 центнерга етказиш қатъий қарор қилган. Дала ишлаб-ри ана шу юксак аҳдга яраша ташкил этилмоқда. Меҳанизатор Абдуқоки Исмон

лов, сувчилар Абдимўмин Миралмов, Амийнон Қодиров, Абдусаттор Мадримов, Раҳмон Каримовлар шу кунларда бир байратига ўн кунга қўшиб ишлашмоқда. Одинахон Қодиров, Потма Мўминова, Салима Эрматова, Динохон Искандарова сингари дала соҳиблари жорий йилда ҳам кўпминг килограммчи теримчилар сафига бўлишга азму қарор қилишган.

Ҳозир пешчадамлар даласида қўскалар қийос очилди бошлади. Улар сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида оммавий теримни бошлашмоқчи.

А. НОРМУҲАМЕДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1993 йилнинг 1 сентябридан меҳнат ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг, хусусан, кам даромадли шахсларнинг, пенсияерлар ва талабаларнинг иқтисодий қаноатларини янада таъминлаш мақсатиди:

1. 1993 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларида энг ҳақининг энг оқ миқдори оғига 13.500 сўм қилиб белгиланиб, иш ҳақи ўртача 1,2 баравар оширилсин;

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар кўпайтирилсин, шу билан бирга талабаларнинг ошхона-

лари ва буфетларида туш-лик оватларининг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3. Бюджетдан пул билан таъминланадиган назоратчи ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, таъкилотлар ва муассасалар ўшбу фармонда белгиланган энг оқ иш ҳақи миқдорида асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ҳодимларнинг мансаб оқладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий таъминот вазирлиги мазкур фармонга мувофиқ пенсияларнинг миқдорлари қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ҳодимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан

боғлиқ сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Мулкчилик шаклларида қатъи назар хўжалик ҳисобидан қорхоналар ва ташкилотларга мазкур фармонга мувофиқ даромад манбаларини қидириб топишга қараб, даромад манбалари вақтинча етишмай қолган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсадни қўлаб берадиган кредитлар ҳисобидан меҳнат ҳақини ошириш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 1993 йил 28 майдаги 607-сон фармонининг 6-банди ўзгартирилиб, қорхоналар ва ташкилотлар иқтиёрида қолдирилган қўшимча қийматга белгиланган солиқ миқдори амалдаги 5 фоиз ўрнига 6 фоизгача қўпайтирилсин ва у меҳнатга ҳақ тўлашни оширишга сарфлансин.

8. Ўшбу фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил 13 сентябрь.

«1993 йилнинг 1 сентябридан меҳнат ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Аҳолининг, айниқса кам даромадли кишиларнинг, пенсияерлар, талабалар ва ўқувчиларнинг иқтисодий муҳофазаси масалаларига, биринчи малака тоифасидаги иқтисодий ўртача ойлик иш ҳақи 40700 сўмни ташкил этади ва 6800 сўм қўпайди, биринчи малака тоифасидаги иқтисодий ўртача ойлик иш ҳақи эса 44400 сўм бўлади ёки 7400 сўм қўпайди.

Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси оғига 13.500 сўм миқдорида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 1993 йил 23 майдаги 607-сон Фармонининг 6-банди ўзгартирилиб, қорхоналар ва ташкилотлар иқтиёрида қолдирилган қўшимча қийматга белгиланган солиқ миқдори амалдаги 5 фоиз ўрнига 6 фоизгача қўпайтирилсин ва у меҳнатга ҳақ тўлашни оширишга сарфланади.

Барча турдаги пенсиялар 1,2 баравар оширилди, бундан боғлиқ пенсиясининг энг оқ миқдори оғига 14625 сўм қилиб белгиланади. Россия

ўртача ойлик иш ҳақи устима ва қўшимча ҳақларини қўшмасдан ҳисоблаганда тахминан 37200 сўмни ташкил этади ёки 6200 сўм қўпайди, биринчи малака тоифасидаги иқтисодий ўртача ойлик иш ҳақи 40700 сўмни ташкил этади ва 6800 сўм қўпайди, биринчи малака тоифасидаги иқтисодий ўртача ойлик иш ҳақи эса 44400 сўм бўлади ёки 7400 сўм қўпайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 1993 йил 23 майдаги 607-сон Фармонининг 6-банди ўзгартирилиб, қорхоналар ва ташкилотлар иқтиёрида қолдирилган қўшимча қийматга белгиланган солиқ миқдори амалдаги 5 фоиз ўрнига 6 фоизгача қўпайтирилсин ва у меҳнатга ҳақ тўлашни оширишга сарфланади.

Барча турдаги пенсиялар 1,2 баравар оширилди, бундан боғлиқ пенсиясининг энг оқ миқдори оғига 14625 сўм қилиб белгиланади. Россия

Республикамиз ҳудудига ҳафтаинч урталарида Россиянинг Европа қисмидан нисбатан совуқ ҳаво оқими кутулмоқда. Натияжада ҳаво бўлганда, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Фарбдан эсаётган ш. молининг тезлиги сезувдига

ОБ-ҲАВО

15—17 метрга етади. Қолган кунлари ҳаво очик бўлади. Ҳафта охирида яна ёмғир ёғиши мумкин.

Ҳафта давомида ҳаво ўзгариб туради, ҳарорат кеча-

лари 12—17 дан 7—12 даражача, кундуз кунлари 28—33 дан 21—26 даражача, республика жанубида эса 30—35 дан 16—31 гача пасаяди.

А. РАСТОРГУЕВА,
об-ҳавошунос.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК

Мамлакатимиз Президентини Имом Каримов ўн иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқида «Иқтисодий ўзгаришларнинг гоят муҳими бўлини — қишлоқ хўжалигини ислохотларни ўтказиш» деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўшбу сессияда ва кейинги пайтда ўтказилаётган йилнинг иқтисодий ислохот масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Халқ хўжалигининг ҳамма бўғинлари, шу жумладан деҳқончилик-санаят мавжуми бошқича-бошқич бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги пайтда барча жаҳада иқтисодий ислохотлар ўтказиш ҳаётий зарурат бўлиб турибди.

Ҳўш, республикамиз қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришда бу борада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Кейинги бир йрим-икки йил давомида тармоқда иқтисодий ислохотларини

чуқурлаштириш йўналишида бир қатор иккуний натижаларга эришилди. Чорвачилик фермалари шу ерда меҳнат қилаётган жамоаларга хусусий мулк қилиб берилаётганлиги, совхозлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, ширкат-жамоа хўжаликларига айлантирилаётганлиги, ер унинг ҳақиқий эгаси ҳисобланган деҳқонга камида ўн йилга ижарага берилаётганлиги қишлоқда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишлари ҳисобланади. Кейинги қисқа даврда режалаштирилган 701 та давлат хўжалигидан 665 таси мулкчилик шаклини ўзгартириб, шундан 294 таси жамоа хўжалигига, 286 таси ширкат уюшмасига, 82 таси ижара хўжалигига ва 3 таси мулкчиликнинг бошқа кўринишларига ўтказилди. 609 та чор-

вачилик фермасини хусусийлаштириш кўзда тутилган эди. Ҳозиргача 657 та ферма шу ерда меҳнат қилаётган жамоаларга ўн йил ичиде қийматини тўлаш шарти билан акциялар сотиш орқали хусусийлаштириб берилди.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислохот ҳозирнинг ўзидаёқ ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Андижон вилоятида суғориладиган майдонлардан ҳар гектар ҳисобига ўртача 36 центнердан, Наманган вилоятида 34 центнердан дон олинган бўлса, бу кўрсаткич ижара ширкат уюшмасида 50 центнерга ташкил этиди. Иқтисодий ислохотлар тўғрисида бошқарув тизимидаги ҳодимлар сонин қисқариб, улардан ишлаб чиқаришнинг бошқа бўғинларида фойдаланиш имконияти вуҷудга

келмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилган 665 та совхоз мулкчилигининг бошқа шаклларида ўтказилгандан сўнг 5,991 штат билигичи қисқарди. Бу оғига фақат иш ҳақининг ҳисобидан 151 миллион сўм иқтисод қилиш имконини бермоқда.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ўтказиш борасида маълум натижаларга эришилаётган бўлса-да, ҳали бу борада кўп иш қилиниши зарур. Чунки биз бир неча ўн йилликлар давомида шаклланган мулкчилик кўринишлари ва иқтисодий муносабатлардан янги-ча иш юритишга ўтаёмиз. Хўжалик юритишнинг ҳозир қарор топётган усулларида иқтисодий, молиявий муносабатлар тақомиллаштирилиши, ҳисоб-китоб ишлари мукамал йўлга қўйилиши, энг аввало манфаатдорлик кучайтирилиши зарур. Қиш-

лоқда хўжалик юритишнинг шундай механизминини яратиш керакин, у ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, етиштирган маҳсулотига мустақил эгаллик қилиш, ўз оқласининг турмушини яхшилаш имконини берсин.

Қишлоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шу соҳа билан шуғулланувчи олимлар, мутахассислар олдида ҳам катта вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масалаларини ана шундай гоят муҳимлигини ҳисобга олиб Тошкент молия институтини, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, республика иқтисодчилар уюшмаси билан биргаликда икки кунлик илмий-амалий анжуман ўтказди. Ўшбу анжумани Ўзбе-

кистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги Норматив Қасомов кириш сўзи билан очиб, иқтисодий ислохотни амалга ошириш борасида вазирлик мутахассислари, олимлар ва шу соҳага дахлдор барча кишилар олдида турган долзарб вазифаларга алоҳида тўхтади.

«Республика қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотнинг асосий муаммолари» мавзусида ўтказилган мазкур илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг вице-президенти академик С. Н. Усмонов, Тошкент молия институтини ректори, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор М. Ш. Шарифхўжаев, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги молия бошқармаси бошлиғи О. М. Хўшмуродов,

Тошкент молия институтини ректорининг муовини, профессор А. У. Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги илмий-техника тараққиётини тарғиб ва жорий этиш бош бошқармаси бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди А. Р. Раҳмоновлар муҳокима этилаётган масалаларнинг энг муҳим йўналишларини бўйича маъруза қилдилар. Илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги назорат ва тафтиш бошқармаси бошлиғи О. Ш. Бобоев, Тошкент молия институтини катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди А. А. Ризоқулов, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хўжалик механизмининг тақомиллаштириш ва нархлар бошқармаси бошли-

ғи, иқтисод фанлари номзоди П. Қ. Қосимов ва бошқа ўртоқларнинг маърузалари ҳам катта қизиқиш уйғотди. Анжуманда жамоа-ширкат хўжалиқларининг вакиллари, фермерлар ҳам иштирок этганлиги, анжуманининг иккинчи кунини йитининг бевосита Тошкент молия институтига ўтказилиб, олимлар ва амалиётчиларнинг қизгин фикр алмушари айланиб кетганлиги алоҳида аҳамият касб этиди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари қарор топтириш, тармоқда иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш келгусида ҳам соҳибқадамлик билан ишлаш талоқо элади. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари бу борада фан маюяндали билан ҳамкорлигини янада кенг йўлга қўйсалар, қўзланган мақсадларга тезроқ эришади.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

РАҒБАТГА ЯРАША

Бирон ҳўжалик фаолияти билан танишмоқчи бўлган қалам-каш учун кўп нарса керак эмас. Икки ё учтагина кўрсаткич унинг қандай эканлигини кўрсатади қўяди. Борғач, фикрини гиз тўғрилиги амин бўласиз.

Фуркат туманидаги «Томоша» ширкатлар уюшмаси қисқа вақт ичиде Фарғона вилоятда пешқадам жамоалар сафига чиқиб олди. Барча соҳада режалар ортиги билан ўрнатилган. Иқтисодий ислохотларнинг илҳами амалга оширилган бунга замин яратмоқда.

Яқинда ушбу ҳўжаликда бўлиб, унинг раҳбар ва меҳнат-кашлари билан узоқ суҳбатлашдик. Дала ва фермага бориб ишларини кўрдик, қувондик. Бизни қизиқтирган саволларга «Томоша» ширкатлар уюшмаси раиси Фарҳоджон Турғуновдан батафсил жавоб олдик.

— Фарҳоджон ака, гурун-гимизни жамоа номи нима учун ўзгаририлганидан бошласан. У илгари «Томоша» ижара ҳўжалиги деб аталар эди. Ҳозир ширкатлар уюшмаси деб юритилди. Бунинг фарқи нимада?

— Очиги, унчалик катта фарқи йўқ. У инсонга эркин меҳнат қилишга имкониятни янада кенгайтирди. Бизга енгил кўчани янгилаш иш юритиш тартибини бошқа совхозларга нисбатан тез ва осон ўзлаштирдик. Бойси, ҳозир айтишимиздек, ижара ҳўжалиги усулида меҳнат қилиб унча-мунча тажриба тулганмишди. Биз бошдаёқ ери одамларга бўлиб бердик. Фойдаси ҳам, эни-улар тез тушунишди. Энди бурғундек биронинг ҳақини бошқасига ёзиб бўлмайди. Ҳар ким эканлини олади. Бир килограмм ҳосилини етиштиришга ўн сўм сарфлайди, 5—6 сўмга туширади. Ўзи билди. Бир сўз билан айтганда ижарага олган заминга деҳқон то-морқасига қарагандек муносабатда бўлади. Шартномадан ортиган маҳсулот ихтиёрида қолади.

— Ҳисоботларда келтирилганча 1992 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 1993 йилнинг шу даврида қорва маҳсулотлари етиштириш анча кўпайган. Масалан, давлатга гўшт сотиш 15 тонна, сут 54 тонна, тухум эса 16 минг донна ортиқ. Режалар 107,5, 124,9 ҳамда 152,4 фозга ўзгаришга эришди. Бунинг «сирини» қандай изохлайсиз?

— Биринчи шарт ишни тўғри ташкил этиш ва мўл-озука жамғаришда. Мана шу сизлар кўриб турган биринчи сут-маҳсулот фермаси оморига шу йил августга 1992 йилнинг охиригача рама-лаганимиздан икки баравар кўп беда пичани босдик. Пичан тайё-лаш жадал давом этапти. Булжақладиган ор-тиқ сомон, силос жамғариш-га эришимиз. Маҳсулотлар си-тирилган ўзимизда тайёрла-миш. Ҳозир ҳар беш шартли қорамолга ўртача 18,1 кило-грамм озуқа берилиб еди-рилимоқда. Иккинчиларни қатъий равишда асосида пар-варлашди гап кўп. Озуқа таркибидеги емининг мей-ёрига, турли моддаларнинг миқдорига мунтазам эти-бор бериб бориш даркор. Шу ўринда бир мисол: олти ой-

— Катта ҳўжаликнинг ташвишлари ҳам катта бў-ди. Аҳолини ижтимоий ҳи-



моя қилиш, одамларни иш билан таъминлаш масалалари қандай ҳал этилган?

— Ширкатлар уюшмаси ҳудудда 10 та қишлоқ бў-либ, уларда 12 минг нафардан зиёд киши яшайди. Ҳалқимиз жуда меҳнатқаш, қанча юмуш бўлса, ҳаммаси-га улгуради. Бу йил давлат-га 29 тонна ўнгида 31,8 тон-на кумуш тола сотдик. Ҳар қутти ипак куртидан 70 кило-граммдан ҳосил қўтардик. Давлатнинг 19,300 минг сўми пиллаоларга тарка-тилди. Тўй қиламан, озу-қаси кўраман, деб ният қил-ган хонадон учун бир маълум бўлди. Яқинда 3 миллион сўмга гўшт заводидаги жи-ҳозларини сотиб олдик. Бу-нинг ойда қорхона ишга ту-ширилди ва 50 нафар одам иш билан таъминланди.

ЁШЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон Ёшлар итти-фоқи Марказий Комитети деҳқончилик-саноат мажму-идаги ёшлар бригадалари ўр-тасида меҳнат мусобақасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббусни Қишлоқ ҳўжалик вазирилик, «Ўзметасабзавотузумсан» а-т-кооперни, Деҳқончилик-саноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмасининг Марказий Комитети қўллаб-қувват-лади.

— Мусобақани уюштириш-дан кўзда тутган асосий мақсадимиз — ёшлар жамо-аларининг меҳнат фаолияти-ни рағбатлантиришдир, — дейди Ўзбекистон Ёшлар

иттифоқи Марказий Коми-тетининг котиби Гафуржон Раҳимов. — Ҳозир қиш-лоқда ҳосил йиғиштириб олинадиган қизғин пайт. Игит ва қизлар йиғим-те-риямда иштор этиб, дуруст натижалар кўрсатишмоқда. Ёшлар ўртасида бошлан-ган мусобақада йил охирида яқун ясалди. Гўлбизлар катта мувофиқлар кутди. Биринчи ўринни эгаллаган бригада республикада бел-гиланган энг кам иш ҳақи-нинг 10 баравари миқдорда мукофот олади. Шунингдек, гўлбизларга Ўзбекистоннинг энг яхши шифохоналарида учта текис йўллама бери-лади. Иккинчи ва учинчи

ЎЗАПОЯДАН ПАРТА

Пахтачи туманидаги қиш-лоқ мактабларининг ўқув-чилари ҳам, ўқитувчилари ҳам биринчи дарс кунини ўз-синфларини қириб, қўзлар-га ишонмай қолди. Сиф-хоналарини сингир-мертин, кўп мартабала бўлган эски парталар ва столлар ўр-нида янги мебеллар турар-ди.

Бу махсус бюртмани ў-запоядан ёғоч-қиринди тах-талар ишлаб чиқаришни ў-лаштирган маҳаллий завод

жамоаси бажарди. Ўзапо-яда чиркидлардан тайёр мах-сулот ишлаб чиқариш техно-логиясини «Ўзавалатниме-копсерни» мутахассслари ва Пахтачи «Агротранс-энергия» қорхонаси ҳодим-лари ишлаб чиқарди.

Қорхона жамоаси бу ма-териалдан мактаблар учун жиҳозлардан ташқари стол, шкаф, сервант ва бошқа мебеллар тайёрлашда фой-даланиладиган бўлакларни қўллаб ишлаб чиқаришни

ўринин олган жамоалар ҳам рағбатлантирилди.

Биз ҳўжаликларнинг раҳ-барларини ёшларга этибор-ни кучайтиришга даъват этамиз. Афсуски, ёшлар бри-гадалари қўнчиқа иккинчи даражали жамоага айланиб қолмоқда. Уларга эски тех-ника берилипти, таъмирлаш ишларида ердан қилинмапти. Дала шийлоқларини обод-лаштиришга эса, энг охирида наваб келди.

Игит ва қизлар олдиди унумли меҳнат қилиш учун барча зарур шарт-шароит билан таъминлаб, сўнгра улардан шунга мувофиқ са-марадорликни талаб қилиш лозим.

Агар мусобақа ўзини оқ-ласа, келгуси йилда рес-публика иқтисодиётининг бошқа тармоқларида ҳам шундай мусобақани уюшти-ришни режалаштирамиз.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ҳам ўзлаштири. Маълумки, шу пайтгача ўзапоядан рўзгорда ўтин ўрнида фойдаланиларди ёки у даладорнинг ўзиде ёриб юбориларди. Ўзапоядан фойдаланиш технологияси-нинг ишлаб чиқилиш рес-публикадаги мўъжаз ме-бель фабрикаларини маҳал-лий хом-ашё билан таъмин-лашдан ташқари, МДХ республикаларидан матери-ал сотиб олишга кетадиган ачангига маблағни тежаб қо-лиш имконини ҳам беради.

И. САФАРГАЛИЕВА,
ЎЗА мухбири.

Давр нафаси

...Мозори Шарифда ўт-миш билан бугунги кун ара-лаш-қуралаш бўлиб кетган. Ҳар қадамда дўконга дуч келасиз. Унда оватлани-чингиз ҳам, сигарет, мағни-тофдондан тортиб «Калашни-ков» автоматигача сотиб олишингиз ҳам мумкин... җи-лам растасидан ўтиб, қовун-тарбузлар уюмига, тикун ус-тахонасидан ўтиб, қабобхо-нага, япон радиомоллари дўконидан ўтиб, керосинчи-лар дўконига дуч келасиз. Тор кўчаларда «Мерседес», «Форд»лар билан бир ка-торда фойтунлар ҳам юриб-ди. Лекин ҳаммасидан ҳам автобус кўп. Йўловчилар ав-тобуснинг ичидеги асосий та-пасида ҳам тўла. Машина-лар орасида сув тўла пақир кўтариб: «кимга сув керак? деб қичқириб юрган бола-ларга кўзингиз тушди.

Афғон бозори бошқа ҳеч қайси бозорга ўхшамайди. Мол эгаларининг харидор қорлаб бақириб-чақирилари қулқини қоматга келтиради. Уларнинг овозини барча ра-дио қарнайлардан таралиб турган Шарқнинг машҳур хонадаси Гугушнинг овози-гина боса олиши мумкин.

Мозори Шарифда барча кўкка бўй чўзган улугвор иўллар шаҳар марказидаги

нинг «Бухоро бўёқлари»ни эсладик. Агар Марат бу ер-га келганида борми, жуда катта ижодий таассурот олиб кетган бўлур эди!

Барибир мусофир эканли-гини ҳисобга олиб, одам-ларнинг назаридан четроқда юришга ҳаракат қилдим. Аммо одамлар бирибир мусо-фиринини билиб, иззат-иқром кўрсатишар, жой бў-шатиб беришар эди, Шарқ-даги «Меҳмон отагидан улуг» деган ақидага барча баробар риоя қиларди. Ҳа-беклигини билиб, бир уйга тақлиф қилишди. Ҳовлида диван, иккига кресло ва пас-так стол турарди. Унинг ус-тида — қоқа-қола шишаси. Ичкаридан уй эгаси — ол-тишларин қоралаган барнас-та киши чиқиб келди. Ҳамма ўни ўрнидан туриб кутиб олди.

— Бу ерлар ягона Тур-кистоннинг ерлари, — деди у. Ўтган асрда — сизларни руслар босиб олди, бу ерни — инглизлар... Менинг аж-долларим Тошкентда туғи-либ ўсган. Бешбечда кат-такон ҳовлимиз бўлган...

Кеч кириб қолди. Меҳмон — унинг исми Озодбек экан — намоз вақти бўлганини айтиб, узар сўраб, ўрнидан турди.

АФҒОН КУНДАЛИГИ: ЕР ВА ОДАМЛАР

қазрат Али мақбарасига олиб келди. Чиройда миселсиз бу бино XV асрда султон Ху-сайн Бойқаро буйруғига би-нолан барпо қилинган эди.

...Исониёт маданиятининг бу гўзал обидаси тепасида тондан шомгача оппоқ қа-бутлар учиб юришди. Одамлар бир неча афғонча дон сотиб олиб, қўшларни боқишди. Қўшлар одамлар-га ўрганиб қолган: оёқ остида донлаб юраверинишди, қўлингизга қўниб, кафтин-гиздаги донни ейишди. Кей-ин тўп бўлиб кўкка хавола-лашди. Оппоқ қабутлар тў-даси мақбара тепасида оппоқ бўлудек айланиб юравер-ди...

Мозори Шарифда қабу-тарларга Ҳиндистонда сиғи-рларга бўлган сингари эҳти-ром кўрсатилади. Ешу қари қабутарларни суйиб, ардоқ-лайди. Уларнинг бу жони-ворларга муносабати кўри-б, афғон халқининг юра-гини англаганди бўлади ки-ши. Афғонлар катталарининг ҳурматини жойига қўядиган, динга астойдил берилган очиқ кўнгли, меҳнатқаш ки-шилар экан. Жума кунини барча мусулмон мамлакат-ларида бўлгани каби Аф-ғонистонда ҳам жума намо-эси ўқилиди. Пешиндан кейин ҳеч ким ишламайди.

Бинолар, дўконлар тартиб-сиз, айқаш-уйқаш бўлиб кў-ришга илҳом қилиш учун бир-бирига ниҳоятда уйғунлиги ҳам назардан қочмайди. Рас-сом дўстим Марат Содиқов-

Тамалди қилиш учун яқин-даги чойхонага кирдим. Ка-боб буюрдим. Чаққон чой-хоначи дарров иссиқ нон би-лан чой келтирди. Қадри бизнинг пулимизга тенг 500 афғонига Тошкентда бундай мазза қилиб овқатланолмас эдим...

Тунаш жойим — БМТ қа-роргоҳи. Шаҳар жуда тез уйқуга кетади, Шунинг учун ҳам атроф жим-жит. Венти-лятор тинмай ишлаб турга-нига қарамай, хона дим. Ух-лаётмай, йиғма қароватин-ни ҳовлига олиб чиқдим. Ос-мон қарогон, қолдуларга тў-ла.

Кўзим илани деган экан, автомат тариллашдан сак-раб туриб кетдим. Қорув-дан «нима бўляпти?» деб сў-радим.

Кимдир ўғил кўрган ё бирон жойда тўй бўляпти. Шунга отишгаётганда. Эрталаб Шинвиргонга йўл олдим. Автобус ичи чанга тўла. Шу ҳолда ўнқир-чўн-қир йўлларда икки ярим со-ат юрдик. Қондотур йигит кўзада одамларга сув ула-тиб юрибди. Ичим куйиб ке-таётган бўлса ҳам, бу бута-на, сувдан ичишга қўрдим...

Учга бола иссиқча чайд-олмай орқа эшикдан автобус тепасига чиқиб кеттидим. Манзилга етгунгача шу та-риқа мазза қилиб, шабада-да боришди.

Шинвиргонга келишим би-лан шаҳар ҳокими Азизул-лога учрашдим.

— Шинвиргон — Шимо-лий Афғонистондаги энг йи-рик вилоят маркази, — деди у соф ўзбек тилида. — Ша-ҳарда 300 минг аҳоли исти-қомат қилади. Ўзбеклар, то-жиклар, туркманлар ҳам кўп. Ўзим ўзбекман. Қўлу-университетини тугатганман.

— Юртингиз Оқчага бор-сам, гиламўзларнинг ишини кўрсам, деган эдим.

— Рухлатомангиз борми? Мухбирлик гувоҳномамини чиқариб бердим. Азизулло ўни айлантириб кўра бош-лади.

— Оқчага юборолмайман. У ер жуда нотинч. Бу ерга қандай қилиб бир ўзингиз келдингиз? Бегона одамлар-нинг ичиде юришга қўрқ-мадингизми?

— Нима ҳам дердим? — Олдий одамлар мени тушунишди. Ниятим ҳолис, ахир — бор ҳақиқатни ёзга-ни келганман.

— Ёлпти. Комендатурада тунайсиз бўласа.

...Қўнғирқочалар осылган, шинам безатилган фойтунда шаҳар айландик. Фойтунчи

— ёш ўзбек йигит ниҳоятда ҳушмуомала чиқди. Бир зар-гарлик дўконига тўхтадик. Ичкари ним қоронғу. Пеш-тахта ойнаси тағида қиммат-баҳо буюмлар кўзни қамаш-тириб турарди. Дўкончи эса чордана қўриб ўтирарди. Боши, таъбир ноноиз бўлса уэр, Олой бозоридеги тар-вуздай ялтйирайди. Менга бенисандроқ жиймайиб ту-рибди.

Танишдик. Исми ҳўжа Аб-дурахим экан. Ўни бир соат давомида суратга олдим.

Абдурахим мамун — ўзи-ни Саудия Арабистонга шай-хиди ҳис қилиб ўтириди. Кейин каттақон темир сан-дигининг эшитини очиб, би-отини намойиш қила бош-лади. Тилла узук ва исир-галар, қумушдан ясалган қадимий тақинчоқлар, қим-матбаҳо тошлар, қадимий тангалар... Хуллас, йўқ нар-саннинг ўн йўқ эди!

— Етти акжодим шу иш билан шуғулланган, — деди у. — Ҳозир 55 ёшданман. Бешта ўғлим бор. Тўрттаси-ни ўйлантирганман.

— Бойлигингиз қантми? — деган бемаъни савол бер-дим.

— Мингта қўйим бор! Қайтишда Азизулло мени вертолётга солиб юборди. Чаққонда, қум барханлари орасида қадимги Бақтрия подшолигининг пойтахти Балх шаҳри ястаниб ётиб-ди. Бу шаҳарнинг жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрни бор.

Учувчидан йўлдан сал чет-роққа чиқишни, Балхга яқин-роқ учушни илтимос қила-ман. У бош қайтди:

— Чумчуқдай отиб таш-лашадик-ку!

Барибир Балхга бордим. Мозори Шарифда Россия-нинг Воронежда ҳайдовчи-ликка ўқиган Салим деган йигит билан танишган эдим, у 20 минг афғонига Балхга олиб борадиган бўлди. Балх-гача бир соатлик йўл, бен-зиннинг ўзига 18 минг кета-ди...

Беш тонналик япон юк машинаси чўққига гизилла-ганча чиқиб кетди. Чўққини, дедим «стратегик нукта». Энг юқорида жойлашган зе-нит қурилмаси ёнида бизни елкасига автомат осиб олган аскарлардан иборат наряд кутиб олди.

Пастда ишчиллик буркан-ган қадимий Балх шаҳри каттагидеки кўриниб ту-рибди. Риноватларга қара-ганда, Искандар Зулқарнай-ҳам бу шаҳарни мана шу ердан туриб томоша қилган экан...

Шаҳар марказида XV асрнинг юксак санъат обида-ларидан бўлиши. Ҳазра Абу Нарс — мақбарасининг гўмбаз қўнча бўй чўзаб ту-рибди... Мозори Шарифга жуда кеч қайтдик. Чарчаган қорамиз оч эди. Салмининг сарҳилини тудди: «юнинг рес-торанга» деб қолди.

Деразарларга Хитой чироқ-лари осылган узун-узоқ стол-лар қўйилган каттагина зал, яъни, ресторон шаҳар мар-казига жойлашган. Официант қанчонлик билан буюртма қабул қилиб, шўрва, манти, палов ва чой олиб келди. Спиртли ичимлик тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Бутун сафарим давомида мен бирон жойда одамлар-нинг спиртли ичимлик ича-рини кўрмадим. Аммо ичим-ликнинг ўрнини ундан ҳам баттар офат — нашавандлик эгаллаган экан...

Афғонистон — ён қўшни-миз. Гузал, ўзига ҳос мам-лакат. Бунга сафарим даво-мида яна бир марта амин бўлдим. Аммо ҳал қилинма-ган муаммо кўп. Заводада иш-лаш, галла, пахта, мена-чеца етиштириши мумкин бўлган юз мингтаб ёшлар 13 йилдан бери — бошқа нарса билан — ҳарбий маҳоратла-рини тақомиллаштириш би-лан машғул. Шўрлар итти-фоқининг тажовузи туга-тидан кейин ҳам аҳвол аф-суски, ўзгармасдан қолмапти. Мамлакат ичкаридаги ўза-ро урушлар кўп миллионли афғон халқига тинч қури-лиш ишларини бошлашга им-кон бермайпти. Бу ҳол да-вом этаверар экан, тожик афғон чегарасида ҳам осо-йишталик бўлиши қийин.

Рустам ШАҒАЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Афғонистон.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ИСРОИЛНИНГ ЯДРОВИЙ ЗАРЯДЛАРИ

● Исроил қарийб 200 та жанговар ядровий зарядга эга. Американинг Эн-Би-Си телекомпанияси Пентагондан ба АҚШ ҳукумат муассасаларидаги манбаларга таъини ш ҳақда хабар қилди. Унда айтилишича, Исроил кейин-ги 25 йил ичиде тўплаган бомба ва ракеталарга ўрнатил-ган зарядлар Буюк Британиянинг шу турдаги яроғла-ридан ҳам зиёдадир.

ТРАНСПОРТНИНГ ЭНГ ҚУЛАЯ ТУРИ

● Япония нақдйет вазириги автомобилга ва темир йўл магистраларида транспорт ҳаракати мураккаблашганини ҳисобга олиб, мамлакатда кема-лар қатнайидиган каналлар тармоғини яратишни тақлиф этди. Вазирилик 16 та канал қурилиш лойиҳасини тасдиқлади. Улардан энг узунни 157 километр бўлиб, у Панама каналидан атғи 4 ки-лометр қисқа ҳолос. Ҳонсю оролинини кикта бўладиган бу нишоот лойиҳаси 200 миллиард нен (қарийб 1,9 миллиард доллар)га тушади.

ФАЛАСТИН ОЗОДИК ҲАРАКАТИ

ТАН ОЛИНДИ

● Исроил Бош вазири Ицхак Рабин ва Фаластин озод-лик ташкилоти яқрион қўмитаси раиси Есир Арафот бир-бирларига расмий мактуб йўллади. Бу мактублар-да Исроил ва Фаластин озодлик ташкилотини ўзаро бир-бирини тан олгани қайд этилди.

КОРА КУРСИ

Иштихон тумани ички ишлар бўлимига кириб кел-ган киши ўзини «Ўзбекис-тон» жамоа ҳўжалиги ишчи-си Абдуҳомид Абдураимов деб таништирган, воқеани баён қилди. Маълум бўли-шича, уч кун аввал соғина сиғири бедапоядан исзис го-йиб бўлган.

— Исламатом жойим, су-риштирмаган одамим қол-мади, — деди у ҳорин. На-тижа бўлмагач, арз қилиб келдим...

ган. Шу вақт ичиде мол сў-ғиб юборилган ёки, бозорда пулланган бўлиши мумкин. Қилни қирқ ёрувин милли-он ҳодимларининг пухта-лик билан олиб боришган сўроқлари натижасида ка-лаванинг учу топиладик бўлди. Ўша кунин бедапо-ядан сал наридаги анҳорда чў-милган Икром исмли бола ола сингир етаклаб кетаётган йигитни кўрганлигини, унинг ағнида кўк рангли кўйлагга бўлганлигини айтди. Мана шу кичкина маълумот жи-ноятчининг изига тушишга қўл келди.

...Искандар Қосимов асли иштихонлик. Эндиғина 25 баҳорини қаршилаган, тоғни урса талқон қиладиган йи-

риб турган ола говмини қўзи-га «иссиқ» кўринди. Секан қорандан ушлаб етаклади. Пасткам йўллар билан Кат-тақўрғон томон йўлга туш-ди. У ерда сигирни арзонга-та пуллаб, Самарқандга жў-нади...

Искандар уйда бош огри-ғи қилиб ётган эди. Бирин-кетин кириб келишган ми-ллия ҳодимларини кўриб қаффи тарқаб кетди. Қўн-да кишан тушган, қўй оғзи-дан чўп олмаган беозор бўди-қолди.

Иштихон туман халқ су-ди мол ўғриси И. Қосимов-ни тўрт ярим йил муддатга озодликдан маҳрум қилиб, жазони кучайтирилган меҳ-

Раҳмонали
АҚБАРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири

Набатчи бор гапни даф-тарга найд этиб олди. Баъзи

Б. ИСМОИЛОВ олган сурет.

